

Ҳукм  
Ўзбекистон Республикаси номидан

2022 йил март ойининг 1 куни жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди, Зебунисо маҳалласи ҳудудида, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: туман судининг судьяси Б.Бобоев, судья ёрдамчиси Б.Улуғовнинг котиблигида, тарафлардан Қибрай туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Норова, жабрланувчилар А.Иргашев, Г.Джолшиева, Д.Эшманова, вояга етмаган Р.Абдувоҳидов ва унинг қонуний вакили М.Ташкенбаева, судланувчи Э.Абдуллаев ва унинг ҳимоячиси, адвокат Н.Андрееваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан Абдуллаев Элбек Эбодулла ўғлини айбланиш ҳақидаги 1-1107-2202/51-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Абдуллаев Элбек Эбодулла ўғли** (Abdullaev Elbek Ebodulla o'g'li), 1999 йил 27 февраль куни Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Дўстлик қишлоғи, рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши материалларини атрофлича таҳлил қилиб, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи Э.Абдуллаев, 2021 йил 23 октябрь куни соат таҳминан 07:15 ларда, бошқарувидаги давлат рақами 01 С 689 ОВ бўлган “Ласетти Оптра” русумли автомашинада Қибрай тумани Мирзо Улуғбек МФЙ, Интилиш кўчасидан ўтган автомобиль йўлида ҳаракатланиб кетаётган вақтида, Йўл ҳаракати қоидаларининг 77-банди, яъни “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак” деган талабларини кўпол равишда бузиб, Иргашев Айбек Ядгар ўлининг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 10 R 526 МА бўлган “Нексия-2” русумли автомашинаси билан тўқнашув содир этган.

Тўқнашув натижасида “Нексия-2” русумли автомашина ҳайдовчиси А.Иргашев ва йўловчилар Г.Джолшиева, У.Тургунова, Д.Эшманова,



Р.Абдувохидовлар тан жароҳати олишиб Қибрай тумани тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилишган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 11 ноябрдаги 1155-Т-сонли хулосасига кўра, А.Иргашевга бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, бош мия чап чакка соҳаси юмшоқ тўқимасини эзилиб йиртилган яраси кўринишидаги тан жароҳатлари етказилганлиги, ушбу тан жароҳатлари “соғлиқнинг қисқа муддатга бузулишига сабабчи бўлган енгил” тан жароҳати тоифасига кириши аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 23 ноябрдаги 1192-Т-сонли хулосасига кўра, Д.Эшмановага бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, ўнг томон пешона соҳаси юмшоқ тўқимаси эзилиб йиртилган яраси кўринишидаги тан жароҳатлари етказилганлиги, ушбу тан жароҳатлари “ЎРТАЧА ОҒИР” тан жароҳати тоифасига киришлиги аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 1193-Т-сонли хулосасига кўра, Г.Джолшиевага пешона соҳаси юмшоқ тўқимаси эзилиб йиртилган яраси кўринишидаги тан жароҳатлари етказилганлиги, ушбу тан жароҳатлари “соғлиқнинг қисқа муддатга бузулишига сабабчи бўлган енгил” тан жароҳати тоифасига киришлиги аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 1 декабрдаги 1224-Т-сонли хулосасига кўра, Р.Абдувохидовга бўйин соҳаси юмшоқ тўқимасини лат ейиши ва дисторзияси кўринишидаги тан жароҳатлари етказилганлиги, ушбу тан жароҳатлари “соғлиқнинг қисқа муддатга бузулишига сабабчи бўлган енгил” тан жароҳати тоифасига киришлиги аниқланган.

“Dinvest Consult” МЧЖнинг 2021 йил 28 октябрдаги баҳолаш хулосасига кўра, Иргашев Айбек Ядгар ўлининг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 10 R 526 MA бўлган “Нексия-2” русумли автомашинага 16.409.058 сўм миқдорда зарар етказилганлиги аниқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Э.Абдуллаев, ўзига эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2021 йил 23 октябрь куни соат 07:15 ларда Тошкент шаҳридаги ТТЗ бозори яқинидаги нонвойхонадан нонларни олиб ўзининг бошқарувидаги “Ласетти оптра” русумли автомашинасида Қибрай тумани, Мирзо Улуғбек маҳалласи худудидаги магазинга олиб кетаётган вақтида йўлнинг ярим бурулиш қисмидан ҳаракатланиб ўтгани, шу пайт у бошқараётган машинанинг тезлиги тахминан 40-50 км/соат бўлгани, у йўлнинг ярим бурулиш қисмидан ўтганидан сўнг А.Иргашевнинг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли автомашинаси билан тўқнашув содир бўлгани, у “Нексия-2” русумли автомашина ҳаракатланиб келаётганлигини кўрмай қолгани, тўқнашув натижасида у ва “Нексия-2” автомашинаси ҳайдовчиси А.Иргашев ҳамда унинг машинасидаги йўловчилар тан жароҳати

олишгани ҳамда тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилишгани,



шунингдек автомашиналар техник шикастлангани, жабрланувчиларга қўлидан келганича ёрдам берганлиги, моддий томондан қийин аҳволда бўлганлиги сабабли жабрланувчиларга нисбатан етказилган моддий зарарларни тўлиқ равишда бартараф эта олмагани ҳақида кўрсатув бериб, суддан оилавий яшаш шароитини, жабрланувчиларга нисбатан етказилган моддий зарарларни қоплаб беришини инобатга олиб, унга нисбатан енгил жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи Э.Абдуллаевнинг айбдорлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, суд томонидан текширилган ва мақбул деб эътироф этилган қуйидаги далиллар, яъни:

-жабрланувчи А.Иргашевнинг суд мажлисидаги, 2021 йил 23 октябрь куни соат тахминан 07:00 ларда уйдан чиқиб Қибрай тумани Марказий шифохонага отасининг аҳволидан хабар олиш мақсадида кетаётган вақтида, маҳалласида яшовчи У.Тургунова унга йўли бўлса уни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ даҳаси Диадора чорраҳасигача олиб кетишни илтимос қилгани, шунда унинг йўли бўлганлиги сабабли У.Тургуновани бирга олиб кетгани, ҳаракатланиб кетаётган вақтида йўлда Д.Эшманова, Г.Джолшиева ҳамда Р.Абдувохидовларни йўл-йўлакай олиб, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ТТЗ мавзеси томон Қибрай тумани, Мирзо Улуғбек маҳалласи ҳудуди бўйлаб бошқариб кетаётган вақтида унга нисбатан қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган Э.Абдуллаев унинг йўналишига чиқиб келиб тўқнашув содир этгани, натижада у ва унинг автомашинасидага йўловчилар тан жароҳати олишгани ҳамда автомашиналар техник шикастлангани, тўқнашув натижасида унинг автомашинасига 30.108.000 сўм моддий зарар етгани, бироқ, баҳолаш ҳулосасида 16.409.058 сўм деб баҳолангани ҳақида кўрсатма бериб, суддан унга нисбатан етказилган 30.108.000 сўм моддий зарарларни ундириб беришни ҳамда судланувчига нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатуви билан;

-жабрланувчи Р.Абдувохидовнинг қонуний вакили М.Ташкенбаеванинг суд мажлисидаги, 2021 йил 23 октябрь куни ишда бўлган вақтида унинг телефон рақамига шифохонадан қўнғироқ қилиб, ўғли Р.Абдувохидов автохалокатда тан жароҳати олганлигини айтишгани, сўнг у ишдан жавоб олиб чиқа олмаганлиги, иш вақти тугагач уйига борган вақтида ўғлининг тоби бўлмаётгани, сўнг эртаси куни уни шифохонага олиб боргани, судланувчи Э.Абдуллаевнинг акаси ўғлини МРТ текшируvidан ўтказгани, текширувда ўғли даволанишлигини айтишгани, сўнг даволанишга ётишгани, бироқ, шифохонада даволанаётган вақтида унинг холидан хабар олишмагани, сўнг у уч кун шифохонада бўлиб фарзандини олиб чиқиб кетгани, шундан сўнг фарзандини ўзи даволантиргани, ўғлини даволанишига жами 2.500.000 сўм миқдорида ҳаражат қилгани ҳақида кўрсатув бериб, суддан унга нисбатан етказилган 2.500.000 сўм моддий зарарни ундириб



беришни ҳамда судланувчига нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатуви билан;

-жабрланувчи Г.Джолшиеванинг суд мажлисидаги, 2021 йил 23 октябрь куни соат тахминан 07:00 ларда уйдан чиқиб “ТТЗ” бозорига кетаётган вақтида кўшниси А.Иргашев ўзининг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли автомашинасида келиб қолиб уни кўриб тўхтагани ва уни йўл-йўлакай олиб кетгани, йўлдан бир маҳаллада яшовчи Д.Эшманова, У.Тургунова ва мактаб ўқувчиси Р.Абдувохидовларни ҳам олишгани ва Тошкент вилояти Қибрай тумани Мирзо Улуғбек МФЙ Интилиш кўчасидан ўтган автомобиль йўлида ҳаракатланиб кетишаётган вақтида, Э.Абдуллаев бошқарувидаги “Ласетти” русумли автомашинасида уларнинг йўналишига чиқиб келиб тўқнашув содир этгани, натижада у ва бошқа йўловчилар тан жароҳати олишгани, у даволанаётган вақтида судланувчи Э.Абдуллаевнинг яқин қариндошлари томонидан ёрдам беришгани, ҳозирги кунда судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан судланувчига нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатуви билан;

-жабрланувчи Д.Эшманованинг суд мажлисидаги, 2021 йил 23 октябрь куни соат тахминан 07:00 ларда уйдан чиқиб ишга кетаётган вақтида А.Иргашев ўзининг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли автомашинасида уни кўриб тўхтагани ва уни ярим йўлга олиб бориб қўйиш учун олгани, улар билан бирга Г.Джолшиева, У.Тургунова ва мактаб ўқувчиси Р.Абдувохидовлар ҳам бирга кетишгани, улар Қибрай тумани Мирзо Улуғбек МФЙ Интилиш кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб кетишаётган вақтида уларга қарама-қарши йўналишда келаётган Э.Абдуллаев ўзининг бошқарувидаги “Ласетти” русумли автомашинасида уларнинг йўналишларига ҳаракатланиб келиб тўқнашув содир этгани, натижада у ва бошқа йўловчилар тан жароҳати олишиб, тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилишгани, у шифохонада ётган вақтида бошида судланувчи Э.Абдуллаевнинг акаси хабар олиб тургани кейинчалик эса умуман хабар олмаганлиги, бир ярим ой мобайнида ишга чиқа олмай қолгани, ёлғин она бўлганлиги сабабли тўқнашув оқибатида унга 3.000.000 сўм миқдоридан моддий зарар етгани ҳақида кўрсатув бериб, суддан унга нисбатан етказилган 3.000.000 сўм моддий зарарни ундириб беришни ҳамда судланувчига нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатуви билан;

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ҳамда фото жадваллар, судга оид тиббий экспертизаси хулосалари, судга оид транспорт ва трассология автотехника экспертизаси хулосаси, шунингдек жиноят ишидаги бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Э.Абдуллаевнинг 2021 йил 23 октябрь куни соат тахминан 07:15 ларда,



бошқарувидаги давлат рақами 01 С 689 ОВ бўлган “Ласетти Оптра” русумли автомашинада Қибрай тумани Мирзо Улуғбек МФЙ, Интилиш кўчасидан ўтган автомобиль йўлида ҳаракатланиб кетаётган вақтида, йўл ҳаракати қоидаларининг 77-банди, яъни “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак” деган талабларини қўпол равишда бузиб, Иргашев Айбек Ядгар ўлининг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 10 R 526 МА бўлган “Нексия-2” русумли автомашинаси билан тўқнашув содир этганидан иборат жиноий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Э.Абдуллаевга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини, ёшини, тўқнашув натижасида ўзига ҳам зарар етганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 1, 3-4, 6-7, 26, 40-47-бандларида берилган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, шунингдек, жиноятни транспорт воситасини бошқарган ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, транспорт воситасини бошқариши ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазони тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга суд, судланувчи Э.Абдуллаевдан жабрланувчи А.Иргашев фойдасига 16.409.058 сўм ундиришни лозим топади.

Бундан ташқари суд, суд мажлисидаги жабрланувчи А.Иргашевнинг унга нисбатан жами 30.108.000 сўм моддий зарар етказилганлиги, жабрланувчи Д.Эшманованинг 3.000.000 сўм моддий зарар етказилганлиги ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили М.Ташкенбаеванинг 2.500.000 сўм моддий зарар етказилганлигини билдириб, ушбу етказилган моддий зарарларни ундириб беришни сўраганликлари юзасидан ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги сабабли, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлигини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Баён этилганларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-455, 457, 462-463, 465-468, 471,473,497<sup>1</sup>-497<sup>4</sup>,497<sup>11</sup>-моддаларини қўллаб, суд ҳукм қилади,



## ҳ у к м:

Абдуллаев Элбек Эбодулла ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин ва унга ушбу модда билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга барча турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳар ойлик иш ҳақини 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазони ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин ва ушбу жазони ижроси, ижрони назорат қилувчи органлар томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Э.Абдуллаевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи Абдуллаев Элбек Эбодулла ўғлидан жабрланувчи Иргашев Айбек Ядгар ўли фойдасига 16.409.058 сўм ундирилсин.

Жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар–судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан, бошқа тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида апелляция тартибида Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилишга ҳамда протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Бобоев

“Нусхаси аслига тўғри”

Судья:

Б.Бобоев

